ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019. P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВ АБДИМУМИН ИБРАГИМОВИЧ

ШАХС ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ МЕТОДИКАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

19.00.01 – Психология тарихи ва назарияси. Умумий психология. Шахс психологияси

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2020

УДК:152.32.158

Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора психологических наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Psychological Sciences (DSc)

Расулов Абдимумин Ибрагмович
Шахс психодиагностикаси методикаларининг илмий-амалий асослари..... 3

Расулов Абдимумин Ибрагмович
Научно-практические основы методик психодиагностики личности..... 33

Rasulov Abdimumin Ibragimovich
Scientific and practical principles of personality psychodiagnostics …….. 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..... 66

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019. P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВ АБДИМУМИН ИБРАГИМОВИЧ

ШАХС ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ МЕТОДИКАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

19.00.01 – Психология тарихи ва назарияси. Умумий психология. Шахс психологияси

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2020

Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/P3 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psi-ik.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар: **Самаров Рустам Садриддинович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Эргашев Пўлат Собирович
психология фанлари доктори, доцент

Абдуллаева Шоира Хамидовна
психология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.P.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «____»_____ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети, Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (+99871) 246-52-74/ факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-04, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ, Бош ўқув биноси, “В” қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (+99871) 246-67-71).

Диссертация автореферати 2020 йил «_____»_____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___»_____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Г.Мухамедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

Ў.Б.Шамсиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

Н.С.Сафаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психол.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда психологик тестлар шахсни баҳолашнинг муҳим воситасига айланган бир шароитда психодиагностика тизимли инқирозни бошдан кечирмоқда. “Инқирознинг асосий сабаби Технологияларни халқаро баҳолаш маркази (ACT International), Халқаро тест маркази (ITC), Танлаш ва тараққиётни баҳолаш маркази (SVDAC), Америка психологлар ассоциацияси (APA), Британия психологлар жамияти (BPS), Психологлар ассоциацияларининг Европа федерацияси (EFPA)[1] фаолият олиб бораётган шароитда, уларнинг стандартлари талабларига жавоб берувчи тестлар тузилмаётганлиги билан боғлиқ экан”, деб изоҳланмоқда[2]. Бу ҳолат шахснинг ўрганишга мўлжалланган тест ва баҳолаш технологияларини жорий этиш ҳамда уларнинг илмий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича домий равишда тадқиқотлар олиб боришга зарурат борлигидан далолат беради.

Жаҳонда шахс психодиагностикаси йўналишидаги тадқиқотларда шахс сўровномаларини яратиш технологиялари, уларнинг психометрик мезонлари, шахс психодиагностикасининг тушунчалар аппарати ва тадқиқот методлари, давлат хизмати ходимларини диагностикасининг акмеологик концепцияси, шахс психодиагностикаси ва психосемантикаси, психологик тест усули ва унинг такомиллаштириш масалалари бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Шахс психодиагностикаси методикаларининг маҳаллий муҳитга мослаштиришда, тестларнинг натижаларини қайта ишлаш тизимини унификациялашда мутахассислар касбий тайёргарлик даражасининг ролини ошириш ва уларнинг фаолияти самарадорлиги мезонларини аниқлаш алоҳида тадқиқот муаммоси саналади.

Мамлакатимизда психология соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш маркази ва таълимнинг барча босқичларида психологик хизмат кўрсатувчи тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш асосида жамият тараққиёти учун фаннинг имкониятларини рўёбга чиқариш ва соҳа мутахассисларининг касбий тайёргарлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да кадрларни танлашнинг самарали шакллари ва услубларини жорий қилиш, давлат хизматида кадрларни марказлаштирилган ҳолда саралаш, замонавий талабларга жавоб берувчи “шахсни аниқлаштириш” тизимини жорий этиш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди[3]. Шу сабабли психология

---

[1]https://books.google.co.uz/books;https://www.facebook.com/pg/baku.itac/photos/ https://www.semanticsc.

[2] Gary Groth-Marnat, A. Jordan Wright. Handbook of Psychological Assessment. Wiley; 6 edition. May 2, 2016.-928 p, Батурин Н.А. Методы контроля за качеством психодиагностических методик на основе стандарта требований к психодиагностическим методикам //Журнал Вестник ЮУрГУ, серия «Психология». – 2010. – № 27. – С.7-9.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон. Б.53.

соҳаси мутахассисларини шахсий-касбий тайёргарлиги, уларнинг психологик тадқиқот усуллари билан қуроллантириш, зарур тадқиқот воситаларини шакллантиришда халқаро тажрибаларни ўзлаштириш, психодиагностика усулларини тузиш ва татбиқ қилиш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш долзарб муаммо сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги"ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 472-сон, 2019 йил 12 июлдаги "Ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 577-сонли Қарорлари ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертацион тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республикада фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-аҳлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши бўйича ўтказилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[4]. Бугунги кунда шахснинг хулқ-атвори, фаолияти ва психик имкониятларини ўлчашга хизмат қилувчи психодиагностика методикаларини шакллантириш, психометрик мезонларининг мувофиқлигини таъминлаш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, American Psychological Association (АҚШ), University of Nebraska (АҚШ), Washington University in St. Louis (АҚШ), Central Washington university (АҚШ), University of Kent (Буюк Британия), University of Sheffield) (Буюк Британия), Freie Universität Berlin (Германия), The British Psychological Society (Буюк Британия), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), "Иматон" компанияси (Россия), Санкт-Петербург университети (Россия), Жанубий Урал университети (Россия), Россия таълим академиясининг Психология институти (Россия), Профессионал психологларни сертификациялаш институти (Россия), Гродно давлат тиббиёт университети (Беларусь) томонидан олиб борилмоқда.

Дунёда психологик тестлаштириш тизимини шакллантириш, илмийлигининг психометрик мезонларини таъминлаш, тест жараёни

---

[4]Диссертация мавзусига доир хорижий тадқиқотлар таҳлили URL:https://libguides.wustl.edu/c.php?g=47365&p=303501, URL:http://www.library.northwestern.edu, Northwestern University, Eastern Michigan University), American Psychological Association Committee on Psychological Tests and Assessment (1996). Statement on the disclosure of test data. *American Psychologist, 51,*644-648. URL:https://en.wikipedia.org/wiki/Eastern_Michigan_University, URL:http://www.lib.cwu.edu/DatabasesByTitle/m,

URL:https://cyberleninka.ru › article › professionalnye-standarty-kak-osnova-se.., URL:https://www.intestcom.orc., https://cyberleninka.ru › article › professionalnye-standarty-kak-osnova-se..

стандартлари, мутахассисларнинг методикалардан фойдаланиш талаблари, методикаларни профессионал даражада амалиётда қўллаш хусусиятларини тушунтириш принциплари ишлаб чиқилган, психологик тестлаштиришнинг жорий этиш компонентлари таснифланган (Psychological Testing, The British Psychological Society), психологик ўлчашнинг психометрик мезонлари аниқланган, диагностикани амалга ошириш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган (University of Nebraska), психологларнинг тестларни татбиқ қилишдаги этикавий стандартлари, психологик тестлар ва диагностика методикалар учун техник тавсиялар ишлаб чиқилган (American Psychological Association), тестларни стандартлаштириш ва улардан фойдаланувчилар фаолиятини тоифалаш ҳамда сертификациялаш тизими шакллантирилган (European Federation of Psychologists' Associations), сифатни баҳолаш, тестларни татбиқ этиш, хатоларни қайд этиш, тест натижаларини таҳлил қилиш, ҳисоботлар тайёрлаш ва уларнинг сақлаш принциплари ишлаб чиқилган (International Test Commission), психодиагностика методикаларининг ишлаб чиқиш технологиялари босқичлари тизимлаштирилган (Жанубий Урал университети), тестлар ва уларнинг дастурий таъминотини тайёрлаш ва жорий этиш ўрганилган (Россиядаги “Иматон” компанияси).

Ҳозирги даврда психологлар касбий тайёргарлигининг турли босқичларида тест тузиш талабларини тўлиқ амалга ошириш, стандартлаштириш қоидаларини амалиётда қўллай олиш, шахс ҳақида маълумот олиш усулларини таҳлил қилиш, хорижий тестларнинг мослаштириш қоидаларини амалда татбиқ қилиш ва тестларнинг жавобларини қайта ишлаш тизимини унификациялаш бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш ва уларнинг шакллантириш чора-тадбирларини белгилаш шахс психодиагностикаси методикаларининг илмий-амалий тамойилларини таъминлашга кўра тадқиқ этишнинг устувор йўналишлари саналади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шахснинг қирралари, хулқ-атвори, эмоционал-мотивацион соҳаси, индивидуал-типологик хусусиятлари, қадриятлар тизими, характерологик хусусиятлари, шахснинг ўзини ўзи баҳолаши, туйғу ва кечинмаларини баҳолаш масалалари узоқ тарихий асосга эга бўлиб, у антик даврдан бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. Инсонлар ўртасидаги индивидуал фарқлар аниқлаш борасидаги уринишлар антик даврда Теофаст (э.а. 372-287 йй.), Гиппократ (э.а.470-360 йй.,), Гален (130-210 йй.) томонидан олиб борилган, Қадимги Хитойда ҳукумат раҳбарларини саралаб олиш синовлар тарзда ўтказилган. Инсоннинг психологик табиатини баҳолашга бўлган интилишлар шахснинг психодиагностикаси ўлчаш воситаларини ишлаб чиқишга туртки берди ва шахснинг тадқиқ этиш методикалари тизимини шакллантирди. Шахс психодиагностикасига доир методикаларнинг татбиқ қилиш узлуксиз, узоқ муддатли ва доимий такомиллаштиришни тақозо этувчи тадқиқот муаммоси саналади.

Жаҳон психологиясида шахснинг психологик баҳолаш юзасидан ўзига хос бир тизим шаклланган бўлиб, мазкур тизим таркибига кирувчи методикалар эса психология фанида етарлича нуфузга эга. Мумтоз шахс психодиагностикаси методикаларининг тарихий илдизи масаласи психологик тадқиқотларида алоҳида тизимга эга. Шахс психодиагностикаси муаммоларини тадқиқ этиш ҳолатини икки жиҳатдан ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади. Биринчиси, шахс психодиагностикасига доир изланишлар олиб борилганлиги. Бунга илк шахслилик сўровномаларининг яратилиши билан боғлиқ изланишларни киритиш мумкин (Э.Крепелин (1892), К.Юнг (1906), Г.Кент ва А.Розановлар (1910) томонидан такомиллаштирилган)[5], илк шахс сўровномасининг Р.С.Вудворт (1917)[6], Л.Марстон (1924)[7] томонидан яратилганлигини изоҳлаб ўтиш мумкин.

Иккинчиси, шахс психодиагностикасига доир тадқиқотлар ва яратилган адабиётларнинг бир йўналиши хорижий психологияда шакллантирилган методикаларнинг тафсилотига бағишланган бўлиб, улар салмоғи қуйидаги методикаларнинг мавжудлиги билан характерланади (С.Лунин; Е.Е.Миронова, М.П.Мирошников, Е.Д.Соколова)[8]. Бу борада MMPI (Minnesota Multiphase Personality Inventory) ва унинг модификациялари, шахс индивидуал психологик хусусиятларини тадқиқ этишга мўлжалланган Л.Н.Собчикнинг “Шахсни тадқиқ этишнинг стандартлаштирилган методикаси (СМИЛ)”[9], М.П.Мирошников, Е.Д.Соколов ва Ф.Б.Березинларнинг шахсни атрофлича ўрганиш методикаси (ММИЛ), Г.Айзенкнинг шахсни тадқиқ этиш методикалари (EPI, EPQ, PEN), катта ёшдагилар билан ишлашга мўлжалланган кўп омилли шахс сўровномаси (Дж.Гоухнинг “Калифорния психологик сўровномаси” (CPI)), И.Фаренбергнинг “Фрайбург шахснинг ўрганиш сўровномаси” (FPI), Л.Н.Собчикнинг “Индивидуал-психологик сўровномаси” (ИТОЛ), Майерс-Бриггснинг К.Юнг типологияси бўйича шахсларнинг таснифлаш учун шахс типологик индикаторини тадқиқ этиш сўровномаси (MBTI), шахслараро муносабат хусусиятларининг ўрганиш бўйича Т.Лири, Р.Л.Лаформе, Р.Ф.Сучекларнинг “Шахслараро муносабатни диагноз қилиш сўровномаси”, шахсдаги акцентуацияларнинг диагностика қилиш методикаси (К.Леонгард), акцентуация типларини ёритиш учун Шмишек сўровномаси (К.Леонгард

---

[5] Лунин А.С. «Психодиагностика. Конспект лекций »: Эксмо; Москва; 2008.- 94 с.

[6] Палий А.А.Дифференциальная психология.-Киев, 2010-954 с.

[7] Myers, D. G. Psychology. Hope College. Holland, Michigan, 2010. - P. 554, 565. Е.Е.Миронова – Мн.: Женский институт. ЭНВИЛА, 2005. – 155 с; ерезин Ф. Б., Мирошников М. П., Соколова Е. Д., Методика многостороннего исследования личности (ММИЛ): структура, основы интерпретации, некоторые области применения. 3-е издание. Издательство «Березин Феликс Борисович», 2011—320 с.

[8] Капустина А.Н. Многофакторная личностная методика Р.Кеттелла. - СПб., 2001. - 112 с; Шмелев А.Г. Психодиагностика личностных черт. - СПб, 2002. - 480 с.

[9] Собчик Л.Н. Стандартизированный многофакторный метод исследования личности СМИЛ. - СПб, 2000. - 219 с. Айзенк Г.Ю. Проверьте свои интеллектуальные способности. - Рига, 1992. - 176 с. , Собчик Л.Н. Введение в психологию индивидуальности. Теория и практика психодиагностики. - М., 1997. - 480 с., Собчик Л.Н. Метод портретных выборов. Адаптированный тест Сонди. Практическое руководство. - СПб., 2002. - 128 с., Собчик Л.Н. Рисованный апперцептивный тест. - СПб., 2002. - 32 с., Собчик Л.Н. Стандартизированный многофакторный метод исследования личности СМИЛ. - СПб, 2000. – 219с.

бўйича), А.Е.Личконинг ўспиринлардаги акцентуация типларини тадқиқ этиш сўровномаси мавжудлиги белгилаб беради.

Бир қатор тадқиқотлар эса шахс психодиагностикасининг илмий аппаратини шакллантириш масалаларига бағишланган (А.Анастази, С. Урбина, Л.Ф.Бурлачук, А.Г.Шмелев)[10], иккинчи йўналишда эса бола шахси диагностикасига доир методикалар тафсилоти акс этган (А.Л.Венгер, Д.Дилео)[11]. Шахс психодиагностикасининг алоҳида бир тармоғи эса проектив методикаларини татбиқига бағишланган (М.Люшер, К.Маховер)[12]. Рус олимлари шахс психодиагностикасининг муҳим жиҳатларини ўрганишга эътибор қаратганлар[13]: давлат хизматлари ходимлари диагностикасининг акмеологик концепцияси (И.Н.Носс, 2007), кичик мактаб ўқувчилари патоген эмоционал ҳолатлари психологик диагностикаси, коррекцияси ва профилактикаси (И.М.Никольская, 2001), индивидуал тафовутлар назарияси ва психодиагностикаси (Л.Н.Собчик, 1999), ҳаёт йўлининг субъектив тимсоли психологик тадқиқоти, диагностикаси ва коррекцияси предмети сифатида (А.А.Кроник, 1995), шахс психодиагностикаси ва психосемантикаси (А.Г.Шмелев, 1994), ўқувчи ва талабаларда психомотор қобилиятларнинг шакллантириш ва диагностикасининг психологик асослари (В.П.Озеров, 1993), ақлий қобилиятлар диагностикасининг назарий асослари (В.Н.Дружинин, 1991), шахс психодиагностикаси тушунчалар аппарати ва тадқиқот методлари (Л.Ф.Бурлачук, 1989).

Ўзбекистонлик олимлар томонидан шахс психодиагностикаси масаласига бағишланган изланишлари салмоғи кам. Шундай бўлса-да, бир қатор тадқиқотлар шахс психодиагностикасига оид методикаларнинг

---

[10] Бурлачук Л. Ф. О дилетантстве в психологической диагностике // Вопросы психологии. - 1993. - № 5., Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика.- .Спб., 2007.-Б.10-23., Бурлачук Л.Ф., Морозов С.М. Словарь-справочник по психодиагностике. - спб., 1999. - 528 с., Burlatchuk L. F. (1994) Protective Approach to Personality Study in Soviet Psychology: A Summary of Research // Rorschachiana. Yearbook of the International Rorschach Society, 19, 78-96. Burlatchuk L. F. (1998) Natural-scientific paradigm in a psychological personality assessment: Necessity of a return to psychology. Conference Abstracts. - 9th European Conferenceon Personality. University of Surrey, 7-11 July 1998,108-109. Шмелев А.Г. Основы психодиагностики: Учеб. пособие. -Ростов н/Д., 1996. - 544 с., Шмелев А.Г. Психодиагностика личностных черт. - СПб, 2002. - 480 с. Анастази А., Урбина С. Психологическое тестирование. - СПб., 2001. - 688 с.,

[11] Венгер А.Л., Цукерман Г.А.. Психологическое обследование младших школьников. - М., 2005. - 159 с. Дилео D. Детский рисунок: диагностика и интерпретация. - М., 2001. - 272 с.

[12] Люшер М. Цветовой тест Люшера / Пер. с англ. - СПб., 2002. - 192 с. Маховер К. Проективный рисунок человека / Пер. с англ. - М., 2000. - 154 с.

[13] Носс И. Акмеологическая концепция диагностики кадров государственной службы// Диссертация доктора психолог. наук.-М., 2007.-643 с., Никольская И.М. Психологическая диагностика, коррекция и профилактика патогенных эмоциональных состояний у младших школьников// Диссертация доктора психолог. наук. -СПб., 2001.-364 с., Собчик Л.Н. Введение в психологию индивидуальности. Теория и практика психодиагностики// Диссертация доктора психолог. наук. -М., 1997.-469 с., Кроник А.А. Субъективная картина жизненного пути как предмет психологического исследования, диагностики и коррекции// Диссертация доктора психолог. наук. -СПб., 2003.-218 с., Шмелев А.Г. Психосемантика и психодиагностика личности// Диссертация доктора психолог. наук. -М., 1994.-513 с., Озеров В.П. Психолгические основы диагностики и формирования психомоторных способностей у школьников и студентов. // Диссертация доктора психолог. наук. -М., 1993.-453 с. , Дружинин В.Н. Теоретические основы диагностики познавательных способностей// автореферат дис. ... доктора психологических наук . -М., 1993.-37 с., Бурлачук Л.Ф.Психодиагностика личности: (Понятийный аппарат и методы исследования). автореферат дис. ... доктора психологических наук : 19.00.01. - Киев, 1989. - 40 с. : ил., Гильбух Ю.З Метод психологических тестов и пути его совершенствования: (На материале психометрических тестов) // Диссертация доктора психолог. наук Киев, 1982. - 380 с.

маҳаллий шароитда ва маълум касбий фаолият эгаларининг шахсий-касбий хусусиятларини диагностикасида фойдаланганлиги билан белгиланади (Ш.Сапаров, А.Жабборов, Ю.М.Асадов)[14].

Ўзбек психологиясининг етакчи олимлари Э.Ғ.Ғозиев[15] "Шахснинг фидоилик хусусиятларини ўрганиш" сўровномаси, иқтидорли болаларнинг бирламчи танлови методикалари (Б.Р.Қодиров)[16], Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримовалар диагностиканинг ижтимоий психологик жабҳаларини ўрганишга, З.Т.Нишонованинг ишлари шахс психодиагностикасига доир методикаларни психологик тадқиқотларда қўллаш хусусиятларига бағишланган[17]. Шунингдек, касбий ташхис методикаларини маҳаллий муҳитга мослаштириш йўналишида Б.Р.Қодиров ва К.Б.Қодировларнинг изланишлари аҳамиятлидир[18].

Тадқиқотлар натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, шахс психодиагностикаси методикаларининг илмий-амалий асосларини тадқиқ этишда, методикаларни мослаштиришда мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражаси, психометрик мезонлардан хабардорлик даражаси, методикалар натижаларини қайта ишлаш тизимини унификациялаш кўникмаларини аниқлаш ёндашуви нисбатан кам ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлар режасининг ITD-1709-17.2-0-12781 "Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари шахсининг ижтимоий-психологик портретини баҳолаш тизимини шакллантириш" (2011) мавзуси, "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинлари касбий фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун ҳарбий психологлар тайёрлаш модели" (2016) мавзуси ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлар режасининг А-1-078 рақамли "Диний бағрикенглик психодиагностикаси тизимини шакллантириш" (2017) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади психологларнинг касбий тайёргарлик даражасига кўра шахс психодиагностикаси методикаларининг илмий-амалий асосларини таъминлаш усуллари, тамойиллари ва талаблари бўйича билим, кўникма ва малакаларини эмпирик жиҳатдан асослаш ҳамда шахс сўровномаларини маҳаллий муҳитда татбиқ этиш истиқболлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

[14] Асадов Ю.М. Индивидуально – психологические особенности учителя и их учет в процессе повышения квалификации// Диссер. канд.психол.наук. - Ташкент, 2007.-156 с. , Жабборов А.М. Ўзбек мактаби ўқитувчининг этник хусусиятлари // Психолог. фанлари доктори диссерт. - Тошкент, 2000.,-310 б., Сапаров Ш.Б. Личности-профессиональные особенности преподавателей специальных дисциплин средних специальных профессиональных учебных заведений // Диссер. канд. психол. наук.. - Ташкент, 1999.-153 с/

[15] Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. -Тошкент.-Ўқитувчи., 2010.- 420 б.

[16] Қодиров Б.Р. Иқтидорли болаларнинг бирламчи танлови методикалари.-Тошкент.-2014.-76 б.

[17] Нишонова З.Т. Қурбонова З., Абдиев С. Психодиагностика ва экспериментал психология: Ўқув қўлланма.-Тошкент, 2011.-275 б.

[18] Қодиров Б.Р., Қодиров К.Б. Касбий ташхис методикалари.-Т.,2003,.- 69 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шахс психодиагностикаси методикаларини илмий-амалий асослари муаммосининг психологик тадқиқотларда ўрганилганлик ҳолатини аниқлаш;

шахс психодиагностикаси методикаларининг татбиқ этиш хусусиятларига кўра таснифлаш;

шахс психодиагностикаси методикалари илмийлигини таъминлашда психологларнинг касбий тайёргарлик даражасига кўра фаолиятини баҳолаш мезонларини шакллантириш;

шахс тўғрисида маълумот олиш усулларини таҳлил қилишнинг психологлар касбий тайёргарлик даражасига кўра аниқлаш;

шахс психодиагностикаси методикаларини мослаштириш жараёнида мутахассислар тайёргарлик ҳолатини аниқлаш;

шахс психодиагностика методикаларининг таснифига кўра натижаларни қайта ишлаш тизимининг унификациялаш ҳолатини очиб бериш;

шахсни ўрганиш сўровномаларининг татбиқ этиш хусусиятига кўра уларни маҳаллий муҳитга мослаштиришнинг психометрик мезонларини таъминланиш даражасини изоҳлаш;

шахс психодиагностикаси методикаларининг амалиётда қўллаш истиқболлари дастурини шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети ва Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг “Психология” таълим йўналиши талабаларидан иборат 449 нафар, Ўзбекистон Миллий университет ҳузурида Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш минтақавий марказининг “Психология” йўналиши тингловчиларидан иборат 49 нафар, таълим муассасалари психологларидан иборат 67 нафар жами 565 нафар респондентлар жалб этилдилар.

Тадқиқотнинг предметини психологларнинг касбий тайёргарлик босқичига кўра шахс психодиагностикаси методикаларини илмий-амалий асосларини таъминлашга хизмат қилувчи шахс тўғрисида маълумот олиш усуллари, психодиагностика методикаларининг таснифий хусусиятлари, психометрик мезонлари, маҳаллий муҳитга мослаштириш талаблари ва натижаларни қайта ишлаш тизимини унификациялаш хусусусиятларининг намоён бўлиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. *Тадқиқотнинг тайёргарлик босқичида* шахс психодиагностик методикаларининг маҳаллий тадқиқотларда татбиқ қилинганлик ҳолатини аниқлашда фактологик таҳлил усулидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг асосий босқичларида: психологларнинг шахс психодиагностикаси методикаларининг илмийлигини таъминлаш бўйича касбий тайёргарлик даражаларини аниқлашда “Психологларнинг шахс психодиагностикаси методикаларини татбиқ этишга тайёрлик ҳолатини баҳолаш” шкаласидан; шахс психодиагностикаси методикаларининг натижаларни қайта ишлаш тизими, хусусан, жавоблар варақаларини унификациялаш мақсадида Майерс-Бриггс сўровномаси (MBTI), Г.Ю.Айзенк

сўровномаси (EPI), В.М.Русаловнинг “Индивидуалликнинг расмий-динамик хусусиятлари сўровномаси”, “Шахснинг ўз-ўзига муносабати сўровномаси” (В.В.Столин ва С.Р.Пантелеев), “Q-саралаш” сўровномаси (Б. Стефансон), “Темперамент тузилмаси” (Я.Стреляу) сўровномасидан; психодиагностика методикаларининг маҳаллий муҳитга мослаштириш тадбирларида Р.Б.Кеттеллнинг 16 PF сўровномаси (13 PF шакли), Л.Т.Ямпольский ва В.М.Мельниковларнинг “Психодиагностик тести”, Г.Мак-Край ва Пол Костанинг “Катта бешлик” сўровномасидан; тадқиқотдан олинган натижаларни қайта ишлашда ва хулосаларнинг ишончлилигини математик-статик жиҳатдан ифодаловчи, яъни ўзаро боғлиқ бўлмаган танланмалар орасидаги тафовутларнинг аҳамиятини Стьюдент t-мезони, Крускал-Уоллис H-мезони ва Манни-Уитни U-мезонларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

психологлар касбий тайёргарлигининг турли босқичларида шахс тўғрисида маълумот олишнинг “L-маълумот” (Life record data), “T-маълумот” (Objective test data) ва “Q-маълумот” (Questionnaire data) усуллари шахс психодиагностикаси методикалари билан самарали ишлашини таъминловчи омил эканлиги аниқланган;

шахснинг психодиагностика методикаларини мослаштириш тадбирлари асосида Р.Б.Кеттеллнинг 13 PF сўровномаси, В.М.Мельников ва Л.Т.Ямпольскийларнинг “Психодиагностик тест”ининг маҳаллий муҳитга мослаштирилган варианти шакллантирилган;

шахс психодиагностикаси методикаларининг натижаларни қайта ишлаш тизимини унификациялаш асосида “Индивидуалликнинг расмий-динамик хусусиятлари сўровномаси”, EPI, FPI, “Темперамент тузилмаси” сўровномаларининг жавобларини қайта ишлаш тизими такомиллаштирилган;

шахсни тадқиқ этиш сўровномаларининг натижаларини қайта ишлаш тизимини унификациялаш асосида самарадорлик, оперативлик, қулайлилик ва фойдалилик хусусиятларини баҳолаш кўрсаткичлари шакллантирилган;

шахс психодиагностикаси методикаларидан фойдаланувчиларнинг сўровномаларни мослаштириш ва жавобларнинг қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ фаолиятларини самарали ташкил этишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шахс психодиагностикаси методикаларининг амалиётда қўллаш самарадорлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

“Психология” йўналиши бўйича малака ошириш курслари учун психологик текширув ва тадқиқотларни ташкил этиш, шахснинг психологик баҳолаш усулларини жорий этиш, психодиганостика ва психометриянинг амалий масалаларини ўзида акс эттирган “Замонавий психология назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари” ўқув курси ишлаб чиқилган;

“Шахс психодиагностикаси методикаларини татбиқ қилиш истиқболларини амалга ошириш концепцияси” шакллантирилган;

психодиагностик методикалар натижаларини қайта ишлаш бўйича сўровномаларнинг жавоблар варақасини унификациялаш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган эмпирик-экспериментал маълумотларнинг миқдорий кўрсаткичларини қайта ишлаш, таҳлил ва интерпретация қилишнинг частотали таҳлили, корреляцион, омилли методларини қўллаш орқали таъминланган. Маълумотларни статистик қайта ишлаш SPSS 14.0 (Ижтимоий фанлар учун статистик пакет 14.0) дастурлари ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шахс психодиагностикаси методикаларини шакллантириш хусусиятлари, касбий тайёргарлик, касбий фаолият жараёнида сўровномалар билан ишлаш кўникмаларининг аҳамияти, методикаларнинг психологик текширув ва тадқиқотларда қўллашдан олинган кўрсаткичларини қайта ишлаш тизимини унификациялаштиришда ўз ифодасини топган. Эмпирик натижалар шахс психодиагностикаси методикаларини илмий-амалий жиҳатларига унинг тарихий илдизлари, татбиқ этилаётган методикаларининг конструкциялаш хусусиятлари, шахс тўғрисида маълумот олиш усуллари, шахсни тадқиқ этиш сўровномаларини мослаштириш босқичлари, тадқиқотда татбиқ қилишдан олинган натижаларни самарали қайта ишлашга эришиш усулларини жорий этиш орқали истиқболли тадқиқот муаммоларини ҳал этишни илгари суради.

Диссертация материаллари ва натижаларининг амалий аҳамияти шахс психодиагностикаси методикаларидан фойдаланувчиларнинг сўровномаларни мослаштириш тадбирларини самарали ташкил қилишлари, жавоблар варақасини такомиллаштиришлари, тестлардан фойдаланишнинг натижавийлигини таъминлашлари, методикаларнинг саралаш мезонларига таянишлари ва тадқиқотни омилкорона ташкил этишларига имконият беради. Ишлаб чиқилган “Шахс психодиагностикаси методикаларининг татбиқ этиш истиқболлари концепцияси” мутахассисларнинг психодиагностика тадбирларини, хусусан, шахс психодиагностикаси доирасидаги тадқиқот йўналишларини аниқлашларига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шахс психодиагностикаси методикаларининг илмий-амалий асосларини ўрганишдан олинган илмий натижалар асосида:

психологлар касбий тайёргарлигининг турли босқичларида шахс тўғрисида маълумот олишнинг “L-маълумот” (Life record data), “T-маълумот” (Objective test data) ва “Q-маълумот” (Questionnaire data) усуллари шахс психодиагностикаси методикалари билан самарали ишлашини таъминловчи омил эканлиги ҳақидаги маълумотлар Психология ўқув-илмий маркази фаолиятида жорий қилинган (Психология ўқув-илмий маркази 2019 йил 19 ноябрдаги П-М-9[6]-сонли маълумотномаси). Натижада, психологлар қайта тайёрлаш курси ўқув жараёнида психодиагностика курси дастурини ишлаб чиқиш ва тингловчиларнинг битирув лойиҳа ишларида тадқиқот

методикаларини татбиқ қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

шахснинг психодиагностик методикаларини мослаштириш тадбирлари асосида Р.Б.Кеттеллнинг 13 РҒ сўровномаси, В.М.Мельников ва Л.Т.Ямпольскийнинг “Психодиагностик тест”ини маҳаллий муҳитга мослаштирилган варианти шакллантирилганлиги билан боғлиқ маълумотлар Психология ўқув-илмий марказининг ўқув-меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнида жорий қилинган (Психология ўқув-илмий маркази 2019 йил 19 ноябрдаги П-М-9^{б}-сонли маълумотномаси). Натижада, психологларнинг шахсни психологик баҳолаш, шахс сўровномаларини қўллаш, натижаларини қайта ишлаш, таҳлил ва талқин қилиши бўйича услубий таъминоти шакллантирилган;

шахс психодиагностикаси методикаларининг натижаларни қайта ишлаш тизимини унификациялаш асосида “Индивидуалликнинг расмий динамик хусусиятлари сўровномаси”, EPI, FPI, “Темперамент тузилмаси” сўровномаларининг жавобларини қайта ишлаш тизими такомиллаштирилганлиги билан боғлиқ маълумотлар Психология ўқув-илмий марказининг ўқув-меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнида татбиқ қилинган (Психология ўқув-илмий маркази 2019 йил 19 ноябрдаги П-М-9б-сонли маълумотномаси). Натижада, психологларни қайта тайёрлаш курси ишларида методикаларнинг жавоблар варақаларини қайта ишлаш тизимини унификациялаш бўйича фаолиятлари самарадорлигини оширишга ёрдам берилган;

шахсни тадқиқ этиш сўровномаларининг натижаларини қайта ишлаш тизимини унификациялаш асосида самарадорлик, оперативлик, қулайлилик ва фойдалилик хусусиятларини баҳолаш кўрсаткичлари шакллантирилганлиги билан боғлиқ маълумотлар Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Педагогик кадрларни малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш минтақавий маркази ўқув жараёнида жорий қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 29 августдаги 89-03-3265-сонли маълумотномаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги 531-сонли буйруғига мувофиқ рухсат этилган “Умумий психология” дарслиги 531-270-рақамли гувоҳномаси). Натижада, психология таълим йўналиши талабалари ва курс тингловчиларида методикалардан тежамкорона ва оператив фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш жараёнининг самарадорлигини ошишига эришилган;

шахс психодиагностикаси методикаларидан фойдаланувчиларнинг сўровномаларни мослаштириш ва жавобларнинг қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ фаолиятларини самарали ташкил этишга доир тавсиялар Психология ўқув-илмий марказининг ўқув-меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнида татбиқ қилинган (Психология ўқув-илмий маркази 2019 йил 19 ноябрдаги П-М-9^{б} -сонли

маълумотномаси). Натижада, курс тингловчиларининг сўровномаларни мослаштириш ва жавоблар бланкини такомиллаштириш билан боғлиқ фаолиятлари самараси оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий конференцияларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича 1 та монография, 14 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда, шу жумладан 2 таси хорижий журналларида, 1 таси инглиз тилида чоп этилган. Шунингдек, тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика конференциялари материаллари тўпламида ўз аксини топган.

Диссертация тузилиши ва хажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 280 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати; тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги асосланган, диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий ўқув муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан алоқадорлиги очиб берилган; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот методлари ифодаланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган маълумотларнинг ишончлилиги баён этилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг татбиқи ва уларнинг синовдан ўтиши баён қилинган. Бундан ташқари чоп этилган ишлар ва диссертация хажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Шахс тадқиқоти методологияси ва феноменологияси”** деб номланган **биринчи боби** шахсни тадқиқ этишнинг тарихий шарт-шароитлари, шахсни тадқиқ этиш методлари ва принциплари, шахсни тадқиқ этиш методикаларини шакллантирилишининг жаҳон психологиясидаги ҳолати, рус психологиясида шахс психодиагностикаси масалалари, Ўзбекистонда шахс психодиагностикасининг ривожланганлик аҳволи ҳамда шахс психодиагностикаси халқ оғзаки ижоди намуналарининг ўрни масаласини тадқиқ қилишга бағишланган.

Шахсни тадқиқ этишнинг тарихий шарт-шароитларини таҳлилида психологияда шахс психодиагностикаси вужудга келиш илдизлари, унинг тадқиқот методлари ва принциплари ёритилган. Таҳлилда шахс психологик тадқиқотлар ичида энг мураккаб, кенг қамровли ва кўп қиррали, ўзига хос тадқиқот принципига эга, уни талқинида дунёқараш, эътиқод, тил, мотивация, қизиқиш ва йўналганлик, тафаккурлаш услублари, шахс тавсифлаш имконияти кенг ва бой феномен эканлиги кўрсатиб ўтилган. Таҳлил шуни кўрсатадики, шахсни тадқиқ этишнинг жаҳон психологиясидаги ҳолати узоқ тарихий даврга эгалиги, замонавий ҳолатида

эса бу аломатлар аниқ тадқиқот воситалари ва усулларига эга эканлиги билан характерланади. Биринчи жадвалда шахснинг тадқиқ этиш методикаларини Ўзбекистондаги тадқиқотларда қўлланишининг эмпирик натижалари келтирилган.

1-жадвал.

Психологик тадқиқотларда қўлланилган шахс психодиагностикаси методикаларининг қўлланиш ҳолатига кўра ранжировкаси*

№	Методиканинг номи	Татбиқ этилганлик ҳолати	Коэффициент
1	“Экстраверсия, интроверсия ва нейротизмни ўрганиш” сўровномаси (Г.Ю.Айзенк)	13	0,76
2	Шахс характерининг акцентуациясини аниқлаш (К.Леонгард)	12	0,70
3	“16 омилли шахс сўровномаси” (Р.Б.Кеттелл)	10	0,5
4	Дж.Равен тести	8	0,47
5	Т.Лири методикаси	7	0,41
6	Психодиагностик тест (Л.Т.Ямпольский)	7	0,41
7	Шахс билан боғлик хавотирланишни ўрганиш методикаси” (А.М.Прихожан)	6	0,35
8	Спилбергер-Ханин методикаси	6	0,35
9	В.В.Столин методикаси	5	0,29
10	Дж.Тейлор методикаси	5	0,29
11	Шахснинг индивидуаллигини ўрганишга қаратилган сўровнома (Э.Ғ.Ғозиев ва Р.Тошимов)	5	0,29
12	Шахс кадриятларининг йуналганлигини аниқлаш (И.Г.Сенин)	5	0,29
13	М.Ю.Орлов, А.Мехрабиан, Э.Ғ.Ғозиев методикалари	4	0,23
14	Ёшларни касбга йўналтириш сўровномаси (Б.Р.Қодиров)	4	0,23
15	Дембо-Рубинштейн методикаси	3	0,17
16	Ўсмир ўқувчиларда хавотирланишга берилувчанлик даражасини аниклаш сўровномаси (З.Т.Нишанова, Ш.Т.Алимбаева)	2	0,11
17	MMPI ва унинг модификациялари	2	0,11
18	К.Юнг тести	1	0,05

Изоҳ: * тадқиқотларда кенг қўлланилганлик ҳолати юзасидан.

Шахснинг тадқиқ этиш учун қўлланилган сўровномаларнинг маҳаллий тадқиқотларда қўлланиш ҳолати республика доирасида амалга оширилган диссертацион тадқиқотлар (136 та) асосида ўрганилган. Ушбу эмпирик кўрсаткичлар асосида мамлакат миқёсида шахс психодиагностикасининг турли йўналишларда ўрганилишида методикалар қўлланилаётганлик ҳолатини ўрганишнинг таянч йўналишларини ажратиш имкони пайдо бўлди. Тадқиқотларда қўлланилган методикаларнинг ҳолати ва тадқиқот

йўналишлари жаҳон психологиясида шахс муаммосини ўрганишга доир ҳаракатларга нисбатан анчагина сустлигидан далолат беради.

Шахс психодиагностикаси мақсадларида қўлланилаётган методикаларнинг маҳаллий тадқиқотларда қўлланиш ҳолати муаммонинг истиқболини белгилаш ва мутахассисларнинг янги тадқиқот йўналишларига мўлжал олишига асос бўлиб хизмат қилади.

Бобдаги таҳлилий материаллардан бири шахс муаммосини халқ ижодиётининг манбалари хусусидаги ҳолатини ўрганиш имкониятини берган бўлиб, бунда ўзбек халқ эртакларининг 414 таси мазмунан таҳлил қилиниб, улардаги диагностик хусусиятлари ажратиб олинди, ўзбек халқ эртакларида ҳам психодиагностика (шахс психодиагностикаси) унсурлари мавжуд эканлиги тасдиқланди. Уларда ассоциатив психодиагностика хусусиятлари мавжуд эканлигини кузатиш мумкин экан. Тадқиқот натижаларига асосан, шахс психодиагностикаси имкониятлари бойитишда жаҳон психологияси тажрибаларида қўлланилаётган методикалар билан ҳамоҳанг тарзда халқ ижодиёти намуналари эртак, афсона ва мақолларнинг психодиагностикага хос хусусиятларини ўрганиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш мумкинлиги хулосаланган.

Диссертациянинг **“Шахснинг тадқиқ этиш метод ва методикаларини татбиқ этиш хусусиятлари”** деб номланган **иккинчи бобида** шахс психодиагностикасининг муҳим жиҳатлари, шахс тўғрисида маълумот олиш усуллари ва тадқиқот мақсадларида қўлланилаётган методикаларнинг таснифлаш мезонлари, шахс психодиагностикаси методикаларининг психометрик тамойиллари, мезонлари ва уларнинг аниқлаш ҳолатида касбий тайёргарлик жараёнининг аҳамияти масалалари, психодиагностика методикаларнинг ўзаро алоқадорликда қўллаш хусусиятларини белгилаш масаласи таҳлил этилган.

Тадқиқотда шахс психодиагностикаси методикаларини амалиётда қўллашда мутахассисларнинг касбий тайёргарлигида психометрик тамойилларга таяниши, улардан хабардор бўлиши ва таъминлаш имкониятларининг белгилашлари, психодиагностика методикаларини илмий-амалий жиҳатлари асосида шахс ҳақида маълумот олиши ҳамда психологларнинг тест ва сўровномалар билан ишлаш касбий кўникма ва малакаларини ажралмас қисми эканлигини асослаган (2-жадвал).

Иккинчи жадвалда шахс психодиагностикасида қўлланилаётган маълумот олиш усулларини таснифлашда маълумот олиш усулларининг аҳамиятлилик даражаси “Психология” таълим йўналиши талабаларининг касбий тайёргарлик жараёнида маълумотланиши ҳамда “Психология” таълим йўналишида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилари ва умумтаълим мактаблари психологлари фаолиятида фойдаланиш ҳолати тадқиқ этилди.

2-жадвал.

Шасх тўғрисида маълумот олиш усуллари бўйича психологларнинг касбий тайёргарлик босқичлари кўрсаткичлари

№	Мезонлар	“Психо-логия” таълим йўналиши талабалари (N=334)	t	Таълим муассаса-лари психолог-лари (N=67)	t	“Психо-логия” йўналиши тинглов-чилари (N=49)	t
1	L-маълумот олиш усули	3,56	1,58	2,89	4,41***	4,86	2,37*
2	Q-маълумот олиш усули	3,14	1,32	2,72	3,54**	4,25	2,13*
3	T-маълумот олиш усули	2,37	1,62	1,66	4,35***	3,46	2,22*

Изоҳ: *p≤0,05; **p≤0,01; ***p≤0,001.

Бунинг учун тадқиқот респондентларнинг фаолияти учта компонент асосида таҳлил қилинди. Бунинг учун уларнинг: 1) шахс тўғрисида маълумот олиш усуллари; 2) шахсни ўрганиш сўровномалари таснифи ва 3) психодиагностик методикаларнинг психометрик мезонларининг билиши ва амалиётга қўллаш қоидаларидан хабардорлиги тадқиқ этилди. Шунга асосан респондентларнинг касбий тайёргарлик босқичларига кўра рейтинги аниқланди.

Тадқиқот респондентларининг касбий тайёргарлик даражасига кўра шахс тўғрисида маълумот олиш усулларидан хабардорлик кўрсаткичлари бўйича тафовутлар кузатилди. “Психология” йўналиши тингловчилари “L-маълумот олиш усули” бўйича касбий тайёргарлик даражалари (4,86) психология таълим йўналиши талабаларидан (3,56; p≤0,05) ва таълим муассасаси психологларидан (2,89; p≤0,001) тафовутланиши кузатилди. Бу эса барча йўналиш тингловчилари маълумот олиш усулини тушуниши, билиши ва қўллаш мумкинлигидан далолат бермоқда. “Психология” таълим йўналиши тингловчилари шахсни тадқиқ этишда “L-маълумот олиш усули”ни таҳлил қилиш ва натижаларни синтезлаш даражасига ўсиб ўтганлар.

“Q-маълумот олиш усули” бўйича олинган натижалар ҳам “Психология” йўналиши тингловчилари “Q-маълумот олиш усули” бўйича касбий тайёргарлик даражалари (4,25) психология таълим йўналиши талабаларидан (3,14; p≤0,05) ва таълим муассасаси психологларидан (2,72; p≤0,001) тафовутланиши аниқланди. Аммо тадқиқот усулини натижаларини баҳолаш бўйича респондентларнинг етарлича тажрибага эга эмаслиги кузатилди.

Уларнинг касбий тайёргарлигида “T-маълумот олиш усули” олдинги икки усулдаги сингари респондентларнинг кўрсаткичларида тафовутланиш мавжуд. “T-маълумот олиш усули” бўйича ҳар учала тоифа респондентларда ҳам пасайиш кузатилиши, уларнинг усул ҳақида билишлари, уни

тушунишлари ва фойдаланиш билан чекланишларини кўрсатмоқда. Улар шахсни психодиагностикасига доир методикалардан фойдаланадилар, аммо уларнинг баҳолаш индикаторларини шакллантириш ва мазмунан баҳолашга тайёр эмасликларини англатади.

Ушбу ҳолатга мос тарзда тажриба давомида “5210200 - Психология (умумий психология)” таълим йўналиши талабалари касбий тайёргарлик босқичида мустақил равишда шахснинг ўрганиш сўровномаларини шакллантириш; сўровномаларнинг тадқиқот мақсади ва вазифаси, тадқиқот объектига кўра тафовутлашлари, методикаларни татбиқ этиш, уларни психометрик мезонлар бўйича текшириб кўришга доир билимлари ва кўникмалар 10 баллик тизим бўйича баҳоланди.

Баҳоланиш текширилувчиларнинг ўзини ўзи баҳолаш шкаласи асосида амалга оширилди. Тадқиқотнинг эмпирик ўрганиш кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал.

Талабаларнинг шахс сўровномалари билан ишлаш бўйича назарий билимлари ва амалий кўникмаларини баҳолаш натижалари

№	Назарий билим ва амалий кўникма мезонлари	2015-2016 ўқув йили N=51		2016-2017 ўқув йили N=45		2017-2018 ўқув йили N=32	
		M	σ	M	σ	M	σ
1	Психодиагностик методикаларни қўллашнинг этикавий қоидалари	7,20	1,14	6,93	1,05	7,23	0,68
		t=1,28		t=0,68		t=-014	
2	Психологик тадқиқот ва текширувларнинг ташкил этиш хусусиятлари	6,73**	0,91	7,31	0,84	6,79***	-0,14
		t=-2,75		t=-0,14		t=-3.21	
3	Шахс сўровномаларини тузиш босқичлари ва қоидаларини билиши	6,33**	0,85	6,86**	1,05	6,74***	2,88
		t=2,74		t=2,88		t=4,11	
4	Шахсни ўрганиш сўровномасини намунага асосланиб тузиш	6,51***	0,50	6,93***	0,88	6,92***	0,11
		t=4,34		t=4,13		t=-3,76	
5	Шахс сўровномалари ва тестларининг мослаштириш босқичларини билиши ва қўллай олиши	6,95	0,82	7,33***	0,79	7,66***	-0,76
		t=-1,92		t=-3,76		t=-3,7	
6	Шахс сўровномаларининг ишончлилигини таъминлаш қоидаларини билиши ва қўллай олиши	7,00	0,90	7,02	1,01	6,92	0,52
		t=-0,14		t=1,21		t=0,52	
7	Шахс сўровномаларининг валидлигини таъминлаш қоидаларини билиши ва қўллай олиши	6,46	0,58	6,51	0,78	6,76	-1,11
		t=-0,32		t=-1,13		t=-1,11	
8	Шахс сўровномаларининг қўллаш ва уларнинг натижаларини талқин этиш	5,66	0,92	5,88	1,11	6,25	-3,14
		t=-1,40		t=1.41		t=-1,14	

Изоҳ: *p≤0,05; **p≤0,01; ***p≤0,001

Талабаларнинг шахс сўровномаларини татбиқ этишни билиши ва қўллай олиши бўйича натижалари талабаларнинг уч ўқув йиллари бўйича қиёсий ўрганилди. Олинган натижаларнинг ўзаро фарқлар тафовути статистик мезонлар асосида аниқланди. “Психология” таълим йўналиши талабаларнинг натижаларида бир қатор мезонлар бўйича тафовутланиш кузатилди. “Умумий психодиагностика” фанининг ўқув дастури 2015-2016 ўқув йилида илк бора таълим муҳитига татбиқ этилаётганлиги сабабли, талабаларнинг ушбу ўқув йилида эришган натижалари қолган икки ўқув йилларга нисбатан, яъни “Психологик тадқиқот ва текширувларни ташкил этиш хусусиятлари” бўйича (6,73 ва 7,31); “Шахс сўровномаларини тузиш босқичлари ва қоидаларини билиши”га доир (6,51; 6,93; 6,92); “Шахс сўровномалари ва тестларининг мослаштириш босқичларини билиш ва қўллай олиши” (6,95; 7,33; 7,66) мезонлари бўйича тафовутланишига сабаб бўлди. Тажриба-синовда фойдаланилган бошқа мезонлар бўйича талабаларнинг ўқув йиллари бўйича кўрсаткичларида статитистик фарқлар аниқланмади. Талабаларнинг статистик фарқлар акс этмаган кўрсаткичларига кўра уларда шахснинг ўрганиш сўровномаларини татбиқ этиш ва қўллашга доир билим ва кўникмалари нисбатан тенг кучли шаклланган дейиш мумкин.

Шунингдек, тажрибада респондентларнинг шахс сўровномаларини таснифи бўйича касбий тайёргарликда хабардорлиги ва билишлари даражасини ифодалаб берилади (4-жадвал).

4-жадвал.

Шахс сўровномалари таснифларидан хабардорлигини психологларнинг касбий тайёргарлик босқичлари бўйича кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	“Психо-логия” таълим йўналиши талабалари (N=334)	t	Таълим муассасалари психологлари (N=67)	t	“Психо-логия” йўналиши тинглов-чилари (N=49)	t
1	Шахс қирраларининг ўрганиш сўровномалари	2,52±1,02	2,18*	1,77±0,73	2,57	3,98±1,41**	2,65
2	Қадриятларнинг ўрганиш сўровномалари	2,11±0,98	2,23*	1,61±0,53	1,55	3,18±1,27	3,37*
3	Қизиқишларнинг ўрганиш сўровномалари	2,67±1,07	0,45	2,53±0,88	2,33*	3,55±1,01	2,07*
4	Установкаларнинг ўрганиш сўровномалри	0,72±0,38	0,50	0,61±0,41	0,62	1,05±0,87	0,98
5	Мотивациянинг ўрганиш сўровномалари	3,09±1,07	1,54	2,36±0,97	1,45	3,36±1,33	1,38

Изоҳ: *p≤0,05; **p≤0,01; ***p≤0,001.

Респондентларнинг касбий фаолият босқичига кўра шахс сўровномаларини таснифи бўйича олинган эмпирик кўрсаткичлар “Психология” йўналиши тингловчилари талабалар ва таълим муассасаси психологларига нисбатан устувор кўрсаткични акс эттирган. Аммо кўрсаткичларнинг бир жиҳати эса уларнинг ҳам шахс сўровномлари таснифи бўйича хабардорлиги “Шахс қирраларининг ўрганиш сўровномаси” бўйича бошқа тип сўровномаларига қараганда юқорироқ натижа олган (3,98; p≤0,001). Кўрсаткич юқори бўлганлиги билан респондентларнинг сўровномаларни таснифи бўйича касбий таёргарлик даражалари билиш, тушуниш ва қўллаш даражалари билан чекланмоқда. “Установкаларнинг ўрганиш сўровномалари” бўйича кўрсаткичлари респондентларнинг барча тоифалари учун паст эканлигини гувоҳи бўлинди: талабалар (0,72), таълим муассасаси психологлари (0,61) ва тингловчилар кўрсаткичлари (1,05) билиш даражаси билан чекланган. Айрим тингловчилар “Установканинг ўрганиш сўровномалари” ҳақида хабардор бўлсалар-да, аммо уларни қўллаш хусусида аниқ маълумотларга эга эмасликларини англатади.

Тадқиқотнинг ўзига хос жиҳатидан бири респондентларларни шахс психодиагностикаси методикаларининг илмийлигини таъминлашда психометрик мезонлар бўйича тайёргарлик даражаларини ўрганишга эътибор қаратилган. Натижада тингловчиларнинг психодиагностик методикаларнинг психометрик мезонларини билиши юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижасига кўра қуйидаги кўринишдаги натижалар қўлга киритилди (5-жадвал).

5-жадвал.

Психологларнинг касбий тайёргарлик даражасига кўра психодиагностика методикалари илмийлигини таъминловчи психометрика мезонларидан фойдаланиш даражалари бўйича кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Касбий тайёргарлик даражаси бўйича ўртача ранг			Краскел – Уоллис мезони	Аҳамиятлилик даражаси (p)
		“Психология” таълим йўналиши талабаси N=334	Таълим муассасси психологи N=67	“Психология” йўналиши тингловчиси N=49		
1	Шарт-шароит ва натижаларни стандартлаштириш	232,51	154,96	293,53	35,89	0,000 *
2	Ишончлилик	293,53	178,78	252,50	12,73	0,002*
3	Валидлик	252,50	167,93	269,83	21,84	0,000*
4	Репрезентативлик	234,96	143,41	292,19	44,37	0,000*

Изоҳ: * – статистик аҳамиятли тафовутларининг ифодаланиши.

Ушбу ўринда психологик касбий тайёргарликнинг қайси босқичидан қатъий назар психодиагностика методикалари илмийлиги мезонлари бўйича билимларни ўзлаштирганлик мутахассислар ўртасида ҳеч қандай тафовут ҳосил қилмайди деган фаразни илгари сурдик. Ушбу фаразни текширишдаги статистик мезонлар эса фаразнинг исботламаганлигини кўрсатди. Психологларнинг психодиагностик методикаларнинг илмийлигини таъминловчи мезонлари бўйича касбий тайёргарлик даражалари "шарт-шароитларни стандартлаштириш", "ишончлилик", "валидлик", репрезентативлик шкалалари кўрсаткичларида ҳар учала йўналиш респондентлари ўртасида (К=35,89, p<0,05) тафовут мавжудлиги аниқланди.

Аслида касбий тайёргарликнинг барча босқичлари учун психометрик мезонлар ёрдамида методикалар илмийлигини таъминлаш тадбирлари амалга ошира олиш керак. Аммо касбий тайёргарликдан сўнгра методикалар илмийлигини таъминлаш бўйича етарлича тадбирларда иштирок этмаслик мавжуд билим, кўникма ва малакаларнинг сусайишига сабаб бўлар экан.

Респондентларнинг "шарт-шароитлар ва натижаларни стандартлаштириш" сингари психодиагностик методикаларнинг "ишончлилиги"ни (К=12,73, p<0,05); "валидлиги"ни (К=21,84, p<0,05) ва "репрезентатив танланмалар"ни (К=44,37, p<0,05) таъминлашдан ҳам "Психология" таълим йўналиши тингловчилари бу борада ўз тажрибалари жиҳатидан талабалар ва таълим муассасаси психологларидан устувор эканликлари аниқланди. Бу эса "Психология" таълим йўналиши тингловчилари илмий тадқиқот ишлари иштироки ҳамда шу йўналишда ўқув машғулотлар олиб боришлари методикаларнинг илмийлигини таъминлаш бўйича тадбирларни юқорироқ ўзлаштирганликларидандир. Тайёргарликни дастлабки босқичидаёқ методикалар билан ишлаш кўникмаларини шакллантиришга эришганликларидан далолат бермоқда. Респондентларнинг сўровномалар билан ишлаш кўникмалари максимал даражада намоён бўлмади. Кўникмалар респондентлар (талабалар) касбий камолотнинг кейинги босқичларида ва методикаларни амалиётда қўллашга тўлиқ киришган вақтидагина яхшироқ кўриниш олиши мумкин.

Талабаларнинг сўровномалар билан ишлаш кўникмаларининг энг паст кўрсаткичи "шахс сўровномаларининг қўллаш ва уларнинг натижаларини талқин этиш" мезони бўйича кузатилди. Бу ҳолатга "Умумий психодиагностика" фани бўйича белгиланган амалий машғулотларда талабалар томонидан бажарилган амалий ишларнинг натижаларини талқин этишдаги хулосаларида ҳам кўп бора дуч келинган. Бундан кўринадики, шахснинг ўрганиш сўровномаларини амалиётда қўллаш ва уни натижаларини психологик талқин этиш учун талабалар шахс назариялари, методикаларнинг концептуал асосларини ифодаловчи билимларни чуқурроқ ўзлаштиришлари лозим экан.

Тадқиқотнинг **"Шахс психодиагностикаси методикаларини мослаштиришнинг эмпирик ўрганиш"** деб номланган **учинчи бобида** шахсни ўрганиш сўровномларининг бир маданий муҳитдан бошқа маданий

муҳитга мослаштиришга доир изланиш олиб борилган. Натижада Р.Б.Кеттеллнинг 16PF сўровномасининг 13PF сўровнома шакли, Р.Мак-Край ва П.Косталарнинг “Катта бешлик (Big 5)” сўровномаси, В.М.Мельников ва Л.Т.Ямпольскийнинг “Психодиагностик тест”ининг ва бошқа сўровномаларнинг мослаштириш юзасидан дастлабки босқич изланишлар бўйича маълумотлар баён этилган. Тадқиқотнинг ушбу босқичида респондентларнинг методикаларни мослаштириш босқичларини таҳлил қилиш хусусиятлари “юқори”, “ўрта” ва “қуйи” даражалар бўйича таҳлил қилиш кўникмалари ўрганилган. Сўнгра уларнинг иштирокида шахс сўровномаларининг мослаштириш бўйича ишлар амалга оширилган. Тажрибада иштирок этган респондентларнинг психодиагностик методикалари (шахсни ўрганиш сўровномалари) бўйича мослаштириш кўрсаткичлари 6-жадвалда тақдим этилган.

6-жадвал.

Респондентларнинг шахс психодиагностикаси методикаларини мослаштириш босқичларидан хабардорлик даражалари кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Касбий тайёргарлик даражаси бўйича ўртача ранг:			Краскел – Уоллис мезони	Аҳамиятлилик даражаси (p)
		“Психология” таълим йўналиши талабаси N=102	Таълим муассасси психологи N=40	“Психология” йўналиши тинглов-чиси N=42		
1	Методикани таржима қилиш	90,36	88,50	121,08	37,33	0,000 *
2	Методиканинг таржималари ўртасидаги мосликни таъминлаш	94,33	57,04	124,00	16,68	0,000*
3	Методикаларнинг асли билан экспериментал тажрибасидаги шкалаларни эквивалентлигини текшириш	60,38	50,21	61,0	7,96,	0,427
4	Янги шкалаларни ўрнатиш ва маҳаллий танланмалар бўйича мос меъёрларни тўплаш	60,29	48,55	65,07	16,04	0,521

Изоҳ: * – статистик аҳамиятли тафовутларининг ифодаланиши.

Психологлар фаолият йўналишининг турли босқичларида психодиагностик методикалардан фойдаланишда бошқа маданий муҳитдаги методикаларни (шахслилик сўровномалари) миллий муҳитга мослаштириш

масаласи юқори даражали илмий-тадқиқотчилик кўникма ва малакаларини тақозо этади. Тадқиқот натижаларига кўра респондентларнинг “Методикаларнинг таржима қилиш” мезони бўйича “Психология” таълим йўналиши талабалари (К=84,29), таълим муассасаси психологи (К=85,94), “Психология” йўналиши тингловчиси (К=121,08; p<0,05); “Методиканинг таржималари ўртасидаги эквивалентликни таъминлаш” мезони бўйича “Психология” таълим йўналиши талабалари (К=94,33), таълим муассаси психологи (К=57,04), “Психология” йўналиши тингловчиси (К=124,0; p<0,05) ўртасида аҳамиятли фарқлар аниқланди; “Методиканинг асли билан экспериментал тажрибасидаги шкалаларининг эквивалентлигини текшириш” мезонига кўра психология таълим йўналиши талабалари (К=60,38), таълим муассаси психологи (К=50,21), психология йўналиши тингловчиси (К=61,0); “Янги шкалаларни ўрнатиш ва маҳаллий танланмалар бўйича мос меъёрларни тўплаш” мезони бўйича ҳам психология таълим йўналиши талабалари (К=60,29), таълим муассаси психологи (К=48,55), психология йўналиши тингловчиси (К=65,07) ўртасида тафовут кузатилмади.

Тажриба-синов натижалари респондентларда сўровномаларнинг мослаштириш мезонларини таъминлаш даражасини ўсишига қараб кўникмаларини амалий аҳамияти сусаётганлиги кўрсатмоқда. Бу эса жаҳон психологияси тажрибаларида кўрсатилган ҳолатдаги сингари психодиагностика методикаларини ишлаб чиқувчи, уларнинг маданий муҳит доирасида ёки бир маданий муҳитдан бошқа бир маданий муҳит чегарасида мослаштиришни юксак касбий тайёргарлик даражасида амалга оширувчилар йўқ эканлигининг бир амалий ҳолати сифатида тасдиқлайди.

Тажрибадаги ўзига хос эмпирик кўрсаткичлардан бири сўровномаларнинг мослаштиришда тасдиқ-мулоҳаза ва саволларининг ички мувофиқлигини таъминлаш тадбирини амалга оширилганлигида ўз аксини топган. Ушбу тадбирда респондентларнинг тажриба-синовга жалб этиш орқали Р.Б.Кеттеллнинг 13PF сўровномасининг ўзбек муҳити учун мослаштирилган шаклидаги саволномасининг ишончлилик ва ички мувофиқлик даражаси синовдан ўтказилди. Бунинг учун ишончлиликни аниқлашнинг ретест қоидаси ва Кронбах коэффициенти бўйича сўровнома омилларининг ички мувофиқлик даражасини таъминлаш тадбири амалга оширилди.

Сўровномани мослаштиришнинг ретест қоидаси бўйича натижалар қуйидаги 7-жадвалда келтирилган бўлиб, ретест бир ярим ойлик вақт оралиғида ўтказилган сўровноманинг кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция коэффициентлари қуйидагича: интеллектуаллик (B) 0,671; эмоционал барқарорлик (C) 0,793; доминантлик (D) 0,596; социал муносабатларга киришимлилик (E) 0,692; ахлоқий меъёрларга бўйсувчанлик (G) 0,763; ҳиссий сезгирлик (I) 0,772; шубҳаланувчанлик (L) 0,589; дипломатик ёндашувчанлик (N) 0,589; хавотирланиш (O) 0,770. Ушбу кўрсаткичлар методикани мослаштиришнинг психометрик талабларини дастлабки босқич ҳолатини қониқтиради.

7-жадвал.

13 РҒ сўровномасининг ишончлилик даражасини аниқлаш натижалари

№	Омиллар		Ретест натижалари (r)
1	B	Интеллектуаллик	0,671**
2	C	Эмоционал барқарорлик	0,793**
3	E	Доминантлик	0,596**
4	H	Социал муносабатларга киришимлилик	0,692**
5	G	Ахлоқий меъёрларга бўйсунувчанлик	0,763**
6	I	Хиссий сезгирлик	0,772**
7	L	Шубхаланувчанлик	0,596**
8	N	Дипломатик ёндашувчанлик	0,589**
9	O	Хавотирланиш	0,770**
10	Q_1	Янгиликка сезгирлик	0,787**
11	Q_2	Мустақиллик	0,793**
12	Q_3	Ўзини тартибга солиш	0,693**
13	Q_4	Зўриққанлик	0,595**

**$p \leq 0,01$

Сўровнома омиллари топшириқларининг ички мувофиқлиги текширишда Кронбах коэффициентига таяниб, кўрсаткичларнинг холислиги психометрика талаблари асосида таъминланди. Ички мувофиқликни ифодаловчи кўрсаткичларнинг айримларини инобатга олмаганда кўпчилик қийматлар юқори аҳамиятлилик коэффициентларига эга бўлди. Натижалар қуйида (8-жадвалда) келтирилган.

Сўровноманинг мослаштириш жараёнидаги олинган ижобий кўрсаткичлар амалга оширилган ишнинг тўлақонли ва якунланган деган хулосани бермайди. Сўровномани биринчи навбатда пилот тадқиқотлар ўтказиш мақсадида татбиқ қилиш, иккинчидан эса психодиагностик муаммоларни ечиш учун фойдаланиш муҳимдир. Сўровномани мослаштириш жараёнида эришилган натижалар келгусида тадқиқот мақсадида фойдаланаётганда унинг аҳамиятини кўрсата олиш лозим бўлади. Шундай бўлса-да, сўровномани фойдаланиш жараёнида учраши мумкин бўлган энг асосий камчилиги жавобларни фальсификациялашдан холи эмаслигини унутмаслик лозим.

8-жадвал.

13 PF сўровномаси омилларининг ички мувофиқлигини текшириш натижалари

№	Кронбах коэффициенти бўйича сўровнома омилларининг ички мувофиқлик даражаси		
	Омиллар		Ўзбек тили версияси
1	B	Интеллектуаллик	0,714**
2	C	Эмоционал барқарорлик	0,531*
3	E	Доминантлик	0,501*
4	H	Социал муносабатларга киришимлилик	0,678**
5	G	Ахлоқий меъёрларга бўйсунувчанлик	0,645*
6	I	Хиссий сезгирлик	0,647*
7	L	Шубҳаланувчанлик	0,700**
8	N	Дипломатик ёндашувчанлик	0,517*
9	O	Хавотирланиш	0,668**
10	Q_1	Янгиликка сезгирлик	0,642**
11	Q_2	Мустақиллик	0,722**
12	Q_3	Ўзини тартибга солиш	0,579*
13	Q_4	Зўриққанлик	0,447*

Изоҳ: *$p \leq 0,01$; **$p \leq 0,01$.

Диссертациянинг **тўртинчи боби “Шахс психодиагностикаси методикаларининг жавобларни қайта ишлаш тизимини унификациялаш жараёни таҳлили ва талқини**” деб номланган. Мазкур бобда шахс психодиагностикаси методикаларининг натижаларни қайд этиш ва уларни қайта ишлаш жараёнини самарадорлигини таъминлаш учун олиб борилган изланишлар, психолог-мутахассислар томонидан тадқиқот методикаларининг қўллаш самарадорлигини таъминлаш таҳлили амалга оширилган.

Тажриба-синовда амалга оширилган ўзига хос жиҳатлардан бири - бу психологларнинг касбий тайёргарлик жараёнидаёқ психодиагностика методикаларини амалиётда татбиқ этишда ва фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш бўйича фикр-мулоҳазалар юритиш лозимлиги.

Психологик тадқиқотларнинг барча соҳаларида қўлланилаётган методикаларнинг умумий тузилиши, уларнинг таснифланиш характерига кўра бир хиллиги (унификациялаштирилганлиги) таъминланади. Кўп ҳолларда методикалар, хусусан, шахсни тадқиқ этиш сўровномаларининг унификациялаш тизимида ўзига хос бир хиллик яққол кузатилади: сўровноманинг йўриқномаси; саволнома; жавоблар варақаси; натижаларнинг қайта ишлаш учун сўровнома калити; олинган натижаларга кўра меъёрий

кўрсаткичлар. Шахсни ўрганиш сўровномаларининг ушбу жиҳатлари мутахассисларнинг фойдаланиш имкониятларини анча енгиллаштиради. Тажрибанинг ушбу босқичида респондентларнинг биринчи гуруҳи назорат, иккинчиси эса тажриба гуруҳ сифатида иштирок этди (9-жадвал). Сўровномаларнинг натижаларини қайта ишлашни унификациялаш масаласи уларнинг жавоблар варақасини амалиётда қўллаш хусусиятлари такомиллаштириш йўли билан амалга оширилди.

9-жадвал.

Сўровномаларнинг натижаларни қайта ишлаш тизимини унификациялаш бўйича назорат ва экспериментал гуруҳ натижалари ўртасидаги тафовутлар, N=95

№	Шкалалар	Ўртача ранг		Манн-Уитни мезони	Аҳамият-лилик даражаси (p)
		Назорат гуруҳи n=45	Эксперимен-тал гуруҳи n=50		
1	EPI (Г.Ю.Айзенк)	64,19	22,81	35,00	0,000*
2	Темперамент тузилмаси (Я.Стреляу)	64,58	22,42	18,01	0,001*
3	FPI (Фрайбург сўровномаси)	62,81	24,19	94,25	0,000*
4	ОФДСИ (В.М.Русалов)	60,79	26,21	181,00	0,000*
5	Ўз-ўзига муносабат сўровномаси (В.В.Столин)	65,12	22,00	36,12	0,000*

Изоҳ: * – статистик аҳамиятли тафовутларининг ифодаланиши.

Шахсни тадқиқ этишда етарлича маълумот олишга имкон берувчи психодиагностика методикасининг тузилиши стандарт талаблари даражасида шакллантирилган. Аммо, унинг ўзига хос биргина ожиз томони мавжуд сўровноманинг жавоблар варақасини амалиётда фойдаланаётган вақтда фойдланувчига қийинчилик туғдиришидир. Ушбу ҳолатни фақат сўровноманинг амалиётда фойдаланаётган мутахассис пайқаши мумкин. Бу камчилик методиканинг натижаларини қайта ишлаш ҳамда жавоблар варақасини такомиллаштиришга зарурат туғдиради. Бундай ҳолатни фақат “Психодиагностик тест”да эмас, балки бошқа бир қатор методикаларда: поляк олими Я.Стреляунинг “Темперамент тузилмаси” сўровномаси (134

саволли, 3 шкалали), “Шахснинг кўп омил ёрдамида ўрганиш сўровномаси” (ЛДУ ва Гамбург университети олимлари ҳамкорликда яратган сўровнома (FPI), 114 савол, 12 та шкаладан иборат), В.М.Русаловнинг “Индивидуалликнинг расмий-динамик хусусиятлари (ОФДСИ)” сўровномаси (150 та мулоҳаза ва 13 шкаладан иборат), В.В.Столин ва С.Р.Пантелеевларнинг “Шахснинг ўз-ўзига муносабати” сўровномаси (110 та мулоҳаза ва 9 та шкаладан иборат) ва бошқа методикаларда мавжудлигини мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Тажрибада назорат гуруҳ иштирокчиларига сўровноманинг бутун тафсилоти берилди ва уни амалиётда татбиқ этиб, натижаларни қайта ишлаш таклиф этилди. Экспериментал гуруҳда эса сўровноманинг тафсилоти билан бир қаторда унинг жавоблар варақасини такомиллаштириш бўйича услубий кўрсатма берилди. Сўнгра тажриба-синовда иштирок этган ҳар иккала гуруҳ натижалари ўртасидаги кўрсаткичлари статистик қайта ишлов натижасига кўра 9-жадвалдаги кўрсаткичлар қўлга киритилди.

Қўлга киритилган миқдорий кўрсаткичлардан кўринмоқдаки, сўровномалардан фойдаланиш вақтида албатта уларнинг натижаларни қайта ишлашда вақт тежамкорлиги ва холис маълумотлар олиш учун жавоблар варақасини такомиллаштириш тамойилини эътибордан қолдирмаслик ёки натижаларни қайта ишлашнинг унификациялаштирилган шаклидан фойдаланишга таяниш муҳим экан. Бизнинг тажрибамизда эса ушбу ҳолатга етарлича эришилганлигини эмпирик кўрсаткичлар тасдиқламоқда. Г.Ю.Айзенкнинг (EPI) сўровномаси ($U=35,00$; $p<0,05$), Я.Стреляунинг “Темперамент тузилмаси” ($U=18,01$; $p<0,05$), Фрайбург сўровномаси (FPI) ($U=94,25$; $p<0,05$), В.М.Русалов сўровномаси (($U=181,01$; $p<0,05$), Ўз-ўзига муносабат (В.В.Столин) сўровномаси ($U=36,12$; $p<0,05$) бўйича натижаларнинг қайта ишлаш тизимини унификациялашда аниқловчи билан шакллантирувчи тажриба ўртасида тафовутлар мавжудлиги аҳамиятлидир.

Шунингдек, диссертациянинг мазкур бобида шахс психодиагностикаси методикаларининг маҳаллий муҳитда шакллантириш ва мослаштириш жараёнини ташкил этиш истиқболлари юзасидан муаллифлик концепциясини мазмуни ёритилган. Мазкур концепцияда маҳаллий шароит учун мослаштириш зарур бўлган методикалаларнинг умумий йўналиши мазмуни; мутахассисларни касбий тайёргарлиги учун амалга оширилиши зарур бўлган ишлар тизими; шахс психодиагностикаси методикаларини тузишнинг ташкилий, мазмуний, тайёрлов, психометрик мезонларини таъминлаш босқичларида мутахассислар амалга ошириш лозим бўлган фаолият йўналишлари белгиланган.

Тадқиқотдан олинган илмий натижаларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, шахс психодиагностикаси методикаларининг илмий-амалий жиҳатларини таъминлаш масаласи келгусида ҳам психолог-мутахассислар касбий ва илмий тадқиқотчилик фаолиятининг долзарб муаммоси сифатида қатор изланишларга асос бўлиб қолаверади.

ХУЛОСА

Шахс психодиагностикаси методикаларининг илмий-амалий асослари юзасидан амалга оширилган тадқиқот қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини берди:

1. Жаҳон психология амалиётида қўлланилаётган шахс психодиагностикасига доир методикалар ҳолати билан қиёсланганда миллий-маданий муҳит учун ишлаб чиқилганлари жуда камлиги, бошқа маданий муҳитдагиларининг мослаштирилганликларини илмийлигини таъминловчи психометрик мезонлари бўйича таъминланиши жуда қуйи эканлиги билан характерланади. Шунингдек, жаҳон тажрибасига мос равишда ўзбек халқ ижодиётида, хусусан, халқ эртакларида шахснинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини, шахслик хислатларини баҳолашга йўналтирилган психодиагностика элементлари мавжуд экан.

2. Шахс психодиагностикаси методикаларининг илмий-амалий жиҳатдан касбий фаолият ва тадқиқотларда фойдаланиш учун шахс тўғрисида маълумот олиш усулларини етарлича таҳлил қилиш, уларнинг ютуқ ва камчиликларини ажрата олиш касбий тайёргарлик ва мутахассис фаолиятида шахс диагностикаси учун зарур билим ва кўникмаларни ўзлаштиришнинг муҳим детерминанти ҳисобланади. Маълумот олиш усулларидан фойдаланиш даражасини шаклланганлиги психологлар касбий тайёргарлик босқичида кескин тафовутланиш кузатилиб, бу уларнинг усулларни мутахассис фаолияти учун аҳамиятини баҳолай олмасликлари оқибатидир.

3. Шахс психодиагностикаси таркибига кирувчи сўровномаларнинг таснифий жиҳатларини фарқлай олиш психологларнинг тадқиқот мақсадлари ва объектларига мос методикани танлашга имкон беради. Айни дамдаги ҳолатда эса шахс сўровномаларининг таснифий хусусиятларига кўра фойдаланишда тафовутлаш мавжуд бўлиб, бу ҳолат “Психология” таълим йўналиши талабалари, таълим муассасаси психологлари ва “Психология” йўналиши тингловчиларининг уларни билиш, тушуниш ва қўллаш даражасидаги кўникмалар билан чекланаётганлигини кўрсатмоқда.

4. Психологларда касбий тайёргарлик босқичига кўра психодиагностик методикалар илмийлигининг психометрик мезонларидан фойдаланиш даражалари бўйича тафовутлар мавжуд. Ушбу тафовутнинг бир жиҳати таълим муассаси психологлари психометрик мезонлар тўғрисида тасаввурга эга, аммо уни тушуниш ва қўллаш бўйича эса амалий тажрибалари йўқлигини; “Психология” таълим йўналиши талабалари ушбу мезонлардан таълим жараёнида берилаётган маълумотлар, уларнинг қонун-қоидаларини билиш билан чекланаётганликлари; “Психология” йўналиши тингловчилари эса илмий-тадқиқот фаолиятни амалга оширишга эҳтиёжлари борлиги туфайли мезонлардан фойдаланаётганликларини характерлайди.

5. “Психология” таълим йўналиши талабаларида шахс сўровномалари билан ишлаш қоидаларини, психологик текширув ва тадқиқотларни ташкил

этиш хусусиятларини, шахс сўровномаларини тузиш босқичларини билиши, қўллаш бўйича амалий кўникмалари, намунага мувофиқ туза олишлари кузатилди. Аммо ишончлилик таъминлаш қоидаларини билиш ва қўллаши, валидликни таъминаш ва сўровноманинг қўллашдан олинган кўрсаткичларни талқин этиш кўникмаси шаклланмай қолмоқда.

6. Шахс психодиагностикасида методикаларни шакллантириш ёки мослаштириш касбий фаолиятнинг муҳим йўналиши саналади. Бунга эришиш эса касбий фаолиятнинг барча босқичларида узвийлик ва изчилликни тақозо этади. Ушбу йўналишда "Психология" таълим йўналиши талабалари, таълим муассасаси психологлари ва "Психология" йўналиши тингловчиларида "Методикаларни таржима қилиш", "Методиканинг таржималари ўртасидаги мосликни таъминлаш" бўйича тафовутлар мавжуд. Бу эса уларнинг ушбу масала юзасидан фаолиятда эҳтиёж сезганлиги туфайли амалга оширилган. Тадқиқот объектларининг "Методикаларнинг асли билан экспериментал тажрибасидаги шкалаларни эквивалентлигини текшириш", "Янги шкалаларни ўрнатиш ва маҳаллий танланмалар бўйича мос меъёрларни тўплаш" мезонлари бўйича тажрибалар етарли эмаслигини ва бу тоифа тадбирлар уларнинг касбий амалиётда амалга оширилмаганлигини билдиради.

7. Шахснинг тадқиқ этишга мўлжалланган сўровномаларни мослаштириш аниқ психометрик ўлчовларни ва зарур босқичларни амалга оширилиши талаб этувчи жараён бўлганлиги сабабли, Р.Б.Кеттеллнинг 13 PF методикаси, В.М.Мельников ва Л.Т.Ямпольскийларнинг "Психодиагностик тест"и ва бошқа сўровномаларни мослаштиришда ҳам мослаштириш босқичлари ва психометрик мезонларини етарлича таъминланган ҳолатдагина босқич якунланган ҳисобланади. Дастлабки босқичда сўровнома шкалалари бўйича юқори аҳамиятлилик коэффициенти таъминламаганлик мутахассисга амалга ошираётган тадбирига нисбатан ишончсизликни туғдирмасдан, унинг давом эттириш мумкинлиги имкониятини ҳосил қилади.

8. Р.Б.Кеттеллнинг 13 PF сўровномасини миллий муҳитга мослаштириш тадбирларида методиканинг илмийлигини асосий мезонлари ишончлилигини таъминлашда ретест тамойили, валидлаштиришда эса эмпирик валидлик қоидалари хизмат қилди. Ушбу жараён бир жиҳатдан тугалланганлик тасаввурини уйғотса-да, аммо айрим омиллар бўйича ишончлилик ва ички мувофиқлик коэффициентлари қуйи эканлиги сўровноманинг мослаштириш жараёнини давом эттириш зарурати борлигини кўрсатмоқда.

9. Методикаларни мослаштиришдаги тадбирлар "Психология" таълим йўналиши талабаларининг ушбу йўналишда иш олиб бориш бўйича ўзига ишонч зарурлигини, масъулият ва юксак касбий бурчнинг бир қисми эканлигини ҳис этишига сабаб бўлади.

10. Шахс психодиагностикаси методикаларининг натижаларини қайта ишлаш тизимини унификациялаш мутахассиснинг касбий фаолияти самарадорлиги, фаолиятни тезкор амалга оширилишини таъминловчи

жараёндир. “Психология” таълим йўналиши талабаларининг шахс сўровномалари натижаларни қайта ишлаш бўйича тажрибаларда жавоблар варақасини шакллантириш бўйича кўрсатмалар берилди. Натижада назорат гуруҳи ва экспериментал гуруҳи натижалари ўртасидаги тафовутлар статистик аҳамиятга эга. Бу унификациялашнинг мутахассисларни методикалар билан ишлашдаги муҳим омил саналади.

11. Ўзбекистонда шахс психодиагностикаси соҳасидаги методикаларни ишлаб чиқиш ва мослаштириш истиқболлари юзасидан аниқ илмий концепцияга зарурат мавжуд. Мазкур “Шахс психодиагностикаси методикаларини ишлаб чиқиш ва мослаштириш истиқболлари” концепцияси шакллантирилганлиги маҳаллий муҳит учун илмий аҳамиятга эга психодиагностика методикаларини шакллантириш ва мослаштириш ҳамда соҳа бўйича мутахассисларни касбий ўсиши учун дастур сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари ва улар асосида шакллантирилган умумий хулосалар психолог-мутахассислар учун қуйидаги амалий тавсияларни шакллантириш имконини берди:

1. Психодиагностика, хусусан, шахс психодиагностикаси методикаларини тузиш технологияси бўйича жаҳон психологияси тажрибаларини ўзлаштириш ва уларга таянган ҳолда психологлар касбий тайёргарлик босқичида “Психодиагностика ва психометрика асослари” курси мазмунида аниқ йўналтирилган методикаларни ва жорий этишнинг тўлиқ таъминловчи ўқув машғулотлар дастурини шакллантириш лозим.

2. Психология таълим йўналишлари талабаларининг касбий тайёргарлик босқичидаёқ психологик тестлар тузиш кўникма ва малакаларини шакллантириш бўйича юқори касбий компетенцияга эга бўлган профессор-ўқитувчи (психолог-психодиагност)лар фаолият олиб боришини йўлга қўйиш муҳим. Бу эса мамлакатда психодиагностика методикаларини маҳаллий муҳитга мос вариантларини шакллантириш ва жаҳон тажрибасида мавжудларини мослаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишга хизмат қилади.

3. Психодиагностик методикаларнинг илмийлигини таъминлаш қоидалари ва тамойилларини тўлиқ амалга оширишга хизмат қилувчи ўқув-услубий қўлланмаларни шакллантириш ва жорий қилиш зарур. Бу эса психологлар касбий тайёргарлик босқичларида психодиагностика методикаларининг психометрика мезонларига мослигини текшириш ва таъминлашга доир тушунмовчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Шунингдек, тадқиқотларда қўлланилаётган методикаларнинг ишончлилиги, валидлиги, стандарт меъёрлари, самарадорлиги ва репрезентативлигини таъминлаш илмий жиҳатдан ёндашишни ва эмпирик натижаларнинг холислигини таъминлайди.

4. Ўзбекистон шароитида психодиагностика методикаларни ишлаб чиқиш ва мослаштиришга йўналтирилган илмий марказ фаолиятини йўлга қўйиш, психологик лабораториялар фаолиятини ташкил этиш ва юқори

малакали касбий тайёргарликка эга бўлган мутахассислар илмий жамоасини шакллантириш лозим. Бу эса маҳаллий мутахассислар томонидан миллий-маданий муҳитга хос методикалар тузиш ва хорижий методикаларнинг мослаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини жонлантиради ва жаҳондаги мазкур йўналишдаги тажрибаларнинг ўзлаштириш самарадорлигини таъминлайди.

5. Психология таълим йўналиши талабалари, уларнинг психодиагностика фани ўқитувчилари ва таълим муассасалари амалиётчи-психологлари фаолиятида методикаларининг жавоблар варақаси такомиллаштириш ва унификациялаш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш чора-тадбирларини доимий равишда таъминлаш талаб қилинади. Ушбу йўналишдаги амалий тадбирлар психолог-мутахассисларнинг психодиагностика методикаларини самарали қўллаш, натижаларнинг қайта ишлашда оперативлик ва тежамкорликка эришишлари ҳамда фаолият самарадорлигининг таъминловчи йўл-усулларини шакллантиришларга имконият яратади.

6. Шахс психодиагностикаси ёки умумий психодиагностика йўналишида жаҳон психологиясидаги ва маҳаллий шароитда қўлланилаётган методикаларнинг компендеумини йўлга қўйиш ва мазкур масала бўйича йилномани ташкил қилиш лозим. Бу мутахассисларнинг психодиагностика методикалари хусусиятлари, жаҳон ва мамлакат миқёсида татбиқ қилинаётган методикаларнинг илмий-амалий ҳолати, тадқиқотларда қўлланилиш ва психометрик мезонларга мувофиқлаштирилганлик даражасидан доимо хабардор бўлишларини таъминлайди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019. P.01.07 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

РАСУЛОВ АБДИМУМИН ИБРАГИМОВИЧ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ МЕТОДИК ПСИХОДИАГНОСТИКИ ЛИЧНОСТИ

19.00.01 – История и теория психологии. Общая психология. Психология личности

АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc) ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ НАУК

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора психологических наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.2.DSc/ P3.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.psi-ik.uz) и Информационном образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Официальные оппоненты: **Самаров Рустам Садриддинович**
доктор философских наук, профессор

Эргашев Пулат Собирович
доктор психологических наук, доцент

Абдуллаева Шоира Хамидовна
доктор психологических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится «____» _____ 2020 года в «____» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019. P.01.07 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, 4. Национальный университет Узбекистана, здание факультета социальных наук, 5-ый этаж, кабинет 511. Тел.: (+99871) 246-52-74; факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-04; e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована под номером ___). (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, 4. НУУз, Главный учебный корпус, отсек «В», 2-ой этаж, комната 217. Тел.: (+99871) 246-67-71).

Автореферат диссертации разослан «_____»_____2020 года.
(протокол реестра под номером _____ от «_____»_____2020 года).

Д. Г. Мухамедова
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д. психол. н., профессор

У. Б. Шамсиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к. психол.н., доцент

Н. С. Сафаев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.психол. н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации.

В условиях, когда в мире психологические тесты превратились в важное средство оценки личности, психодиагностика переживает системный кризис. Объясняется тем, что «основной причиной является то, что в условиях деятельности Международного центра оценки технологий (ACT International), Международного центра тестирования (ITC), Центра оценки выбора и развития (SVDAC), Американской ассоциации психологов (APA), Европейской федерации ассоциаций психологов(EFPA)[1] составляемые ими тесты не отвечают требованиям стандартов»[2]. Данное положение свидетельствует о необходимости постоянного проведения исследований по внедрению технологий тестирования и оценки, направленных на изучение личности, а также их научному совершенствованию.

Исследования по психодиагностике личности проводятся в мире по таким направлениям как создание технологий личностных опросников, их психометрических критериев, требований и норм стнадартизации, понятийный аппарат и методы исследования психодиагностики личности, акмеологическая концепция диагностики сотрудников государственной службы, психодиагностика и психосемантика личности, метод психологического тестирования и пути его совершенствования. При адаптации методик психодиагностики личности к местным условиям, унификации системы обработки результатов тестирования проблемой особого исследования считается повышение роли уровня профессиональной подготовки специалистов и выявление критериев повышения эффективности их деятельности.

В нашей стране обращено особое внимание в целях развития общества на реализацию возможностей науки и повышение уровня профессиональной подготовки специалистов сферы на основе дальнейшего совершенствования системы подготовки кадров психологов, координации деятельности центра оказания социально-психологической помощи молодёжи и структур, оказывающих психологические услуги на всех этапах образования.

В «Стратегии действий по пяти приоритентным направлениям развития Республики Узбекистана в 2017-2021 годах» намечены в качестве одного из приоритетных направлений внедрение эффективных форм и методов подбора кадров, централизованный отбор кадров государственной службы, внедрение системы «установления личности», отвечающей современным требованиям».[3] По этой причине в сфере психологии в качестве актуальной

---

[1] https://books.google.co.uz/books;https://www.facebook.com/pg/baku.itac/photos/ https://www.semanticsc.

[2] Gary Groth-Marnat, A. Jordan Wright. Handbook of Psychological Assessment. Wiley; 6 edition. May 2, 2016.-928 p, Батурин Н.А. Методы контроля за качеством психодиагностических методик на основе стандарта требований к психодиагностическим методикам //Журнал Вестник ЮУрГУ, серия «Психология». – 2010. – № 27. – С.7-9.

[3] Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”. - Собрание законодательства Республики Узбекистан, 13 февраля 2017 г., № 6, ст.53.

проблемы рассматривается личностно-профессиональная подготовленность специалистов, вооружение их методами психологического исследования, усвоение международного опыта при освоении необходимых средств исследования, разработка применяемых методов психодиагностики и формирование навыков и умений по их внедрению.

Настоящее диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан", Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 июня 2019 года №472 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы подготовки кадров в области психологии и профилактики правонарушений в обществе», от 12 июля 2019 года №577 «О дальнейшем совершенствовании психолого-педагогического обеспечения учащихся», а также других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена по приоритетному направлению развития науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации[4]. В настоящее время научные исследования по формированию, обеспечению соответствия психометрических критериев методик психодиагностики, которые служат измерению поведения, деятельности и психических возможностей личности, проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждений мира, в частности, таких как American Psychological Association (США), University of Nebraska (США), Washington University in St. Louis (США), Central Washington university (США), University of Kent (Великобритания), University of Sheffield) (Великобритания), Freie Universität Berlin (Германия), The British Psychological Society (Великобритания), Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова (Россия), компания «Иматон» (Россия), Санкт-Петербургский университет (Россия), Южно-Уральский университет (Россия), Институт психологии Российской академия образования (Россия), Институт сертификации профессиональных психологов (Россия), Гродненский государственный медицинский университет (Беларусь).

В мире разработаны принципы формирования системы тестирования, обеспечения научности психометрических факторов, стандарты процесса

---

[4] Анализ зарубежных исследований по теме диссертации URL:https://libguides.wustl.edu/c.php?g=47365&p=303501, URL:http://www.library.northwestern.edu, Northwestern University, Eastern Michigan University), American Psychological Association Committee on Psychological Tests and Assessment (1996). Statement on the disclosure of test data. *American Psychologist, 51,*644-648. URL:https://en.wikipedia.org/wiki/Eastern_Michigan_University, URL:http://www.lib.cwu.edu/DatabasesByTitle/m,

URL:https://cyberleninka.ru › article › professionalnye-standarty-kak-osnova-se.., URL:https://www.intestcom.orc., https://cyberleninka.ru › article › professionalnye-standarty-kak-osnova-se..

тестирования, требования к использованию методик специалистами, разъяснения особенностей применения методик на практике на профессиональном уровне, классифицированы компоненты внедрения психологического тестирования (Psychological Testing, The British Psychological Society), разработаны указания по выявлению психометрических критериев психологического измерения, выполнению диагностики (University of Nebraska), разработаны технические рекомендации для этических стандартов при внедрении психологических тестов, психологических тестов и методик диагностики (American Psychological Association), сформирована система стандартизации тестов, группировки деятельности и сертификации их пользователей (European Federation of Psychologists' Associations), разработаны принципы оценки качества, внедрения тестов, отражения ошибок, анализа результатов тестирования, подготовки и хранения отчётов (International Test Commission), систематизированы этапы технологий разработки методик психодиагностики (Южно-Уральский университет), изучена подготовка и внедрение тестов и их программного обеспечения (российская компания «Иматон»).

В настоящее время для обеспечения научно-практических принципов методик психодиагностики личности приоритетными направлениями исследования считаются полная реализация требований составления тестов на различных этапах профессиональной подготовки психологов; умение применять на практике правила стандартизации; анализ способов получения сведений о личности; внедрение на практике правил адаптации зарубежных тестов; выявление уровня знаний, навыков и умений по унификации системы обработки ответов на тесты и определение мер по их формированию.

Степень изученности проблемы. Вопросы оценки граней, поведения, эмоционально-мотивационой сферы, индивидуальных типологических особенностей, системы ценностей, характерологических особенностей личности, самооценки личности, оценки чувств и переживаний, имея долгую историческую основу, продолжаются с античного периода до сегодняшних дней. Попытки по выявлению индивидуальных различиях между людьми в античном периоде проводились Теофрастом (372-287 гг до н.э.), Гиппократом (460-370 гг до н.э), Галеном (130-210 гг.), а в Древнем Китае проведён в опытном порядке отбор руководителей правительства. Попытки оценить психологическую природу человека дали толчок к разработке методов психодиагностического измерения личности и сформировали систему методик исследования личности. Внедрение методик психодиагностики личности считается исследовательской проблемой, требующей непрерывного, длительного и постоянного совершенствования.

